O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “12” yanvar Қ-27 -son Termiz sh.

Денов тумани “Ғалаба” СИУ ҳудудидан туманда фаолият юритаётган “ABBOS-EKO AGRO” МЧЖга Автомобил ишлаб чиқариш заводи жумладан махсус техникалар ҳамда маиший хизмат техникалари қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 октябрдаги 03-02/696-сон йиғилиш баёни, Денов тумани ҳокимининг 2020 йил 09 сентябрдаги 01-36/842-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Денов тумани “Ғалаба” СИУ ҳудудидан туманда фаолият юритаётган “ABBOS-EKO AGRO” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалиги харитасининг 24қ-дала контуридаги 2,95 гектар яйлов ер майдонида Автомобил ишлаб чиқариш заводи жумладан махсус техникалар ҳамда маиший хизмат техникалари қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. “ABBOS-EKO AGRO” МЧЖ Автомобил ишлаб чиқариш заводи жумладан махсус техникалар ҳамда маиший хизмат техникалари қурилиши мақсадида 2,95 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 44 137 369 (қирқ тўрт миллион бир юз ўттиз етти минг уч юз олтмиш тўққиз) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 40141086092240134507171 86)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (Ж.Усмонов)га ажратилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат

қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Суванкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими **Т.Боболов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SURXONDARYO VILOYATI HOKIMLIGI
DEVONXONA